O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ислом КАРИМОВ:

БУ ДУНЁДА ҲАММА НАРСА ЎТКИНЧИДИР. АМАЛ ҲАМ, МОЛ-ДУНЁ ҲАМ, ШОН-ШУҲРАТ ҲАМ ЎТИБ КЕТАДИ, ФАҚАТ ХАЛҚ, ХАЛҚНИНГ ХОТИРАСИ ДОИМО ЯШАЙДИ. ШУНДАЙ ЭКАН, ҲАР БИР ИНСОН АНА ШУ ХАЛҚ ХОТИРАСИДА ЎЗИДАН ЯХШИ НОМ, ЭЗГУ ВА САВОБЛИ ИШЛАР ҚОЛДИРИШ ҲАҚИДА ЎЙЛАШИ КЕРАК.

O'ZBEKISTON OVOZI

2000 ЙИЛ 14 МАРТ, СЕШАНБА

№ 31 (25.581).

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

ДЕҲЛИДА ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

Ҳиндистоннинг пойтахти Деҳли шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ҳинд тилида чоп этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тантанали тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг элчихонаси, Ҳиндистон Ташқи ишлар вазирлиги ва китобни нашр этган йирик «ЮБС паблишерс дистрибьютерс лтд» матбаа компанияси томонидан ташкил этилган тақдимот маросимида парламент, ташқи ишлар вазирлиги, маданият вазирлиги, турли сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ва ишбилармонлар доираси, етакчи нашриётлар, телевизион каналлар ва Деҳлида аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этишди.

Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчиси И. Мавлонов тақдимот маросимини очар экан, ҳар бир давлат учун раҳбарининг китоби дўст мамлакатда унинг давлати тилида чоп этилиши нафақат икки томонлама алоқаларнинг ривожланишини, балки мазкур давлатларнинг келажакдаги муносабатлари истиқболларини кўрсатадиган муҳим воқеа эканини таъкидлади.

Ҳиндистон Ташқи ишлар вазирлигининг иқтисодий масалалар бўйича котиби С.Т. Девре ташқи ишлар вазири Ж. Сингх томонидан китоб учун ёзилган сўзбошига эътиборни қаратар экан, Марказий Осиё давлатлари билан алоқалар Ҳиндистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини айтди. Президент Ислом Каримовнинг китобида батафсил таҳлил этилган хавфсизликка таҳдид бир ҳудуд билан чегараланиб қолмайди, бундай муаммоларга Ҳиндистон ва бошқа давлатлар ҳам дуч келмоқдалар. Девре сўзини давом эттирар экан, буни диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши курашда ҳаракатларимизни бирлаштиришни тақозо этадиган, умумий вазифаларимиз кесишадиган ўзига хос нуқта деб ҳисоблаймиз, деди.

Биз Марказий Осиёда етакчи иқтисодий куч бўлган Ўзбекистонни минтақадаги муҳим шерик деб биламиз, деди С.Т. Девре сўзининг якунида.

Деҳли шаҳрининг Миллий Ассамблеяси раиси ўринбосари Киран Чоудори Ўзбекистон Президенти китобида кўтарилган тинчлик, барқарорликни таъминлаш, хавфсизликка таҳдид солувчи кучларга қарши кураш муаммолари фақат Марказий Осиё минтақаси билан чегараланиб қолмайди, деди. Улар бошқа минтақаларга, хусусан Жанубий Осиё минтақасига ҳам хосдир. Бундан минтақада яшаётган одамлар динига қараб эмас, балки умуминсоний қадриятлар асосида бирлашишлари лозим, деб хулоса қилса бўлади.

«Қонунчилик вақти» журналининг нашри ва бош муҳаррири С. Кхурана китобнинг Ҳиндистон учун аҳамияти тўғрисида гапирар экан, китоб ҳиндистонлик ўқувчилар учун Ўзбекистон ҳақидаги бой маълумот манбаи эканини таъкидлади.

Жавоҳарлал Неру номидаги университетнинг Халқаро тадқиқотлар маркази профессори Ч. Махапатра китобни таҳлил этиш шуни кўрсатадики, Президент Каримов кенг мушоҳадали инсон, бу киши меҳнатлари туфайли мамлакат тараққиёт йўлига чиқиб олди, деди.

Мазкур университет профессори Виммал Прасад шундай деди: «Китобнинг ҳинд тилида чоп этилгани Ҳиндистон учун жуда қадрлидир. Бу ўқувчиларга мустақил Ўзбекистоннинг бугунги куни, республиканинг сўнгги йилларда эришган ютуқлари билан танишиш имконини беради».

Ҳиндистонлик машҳур сиёсатшунос Р. Г. Гидадхублининг таъкидлашича, Ислом Каримовнинг китоби фақат сиёсат ҳақида эмас. Китобда мамлакат ҳаётининг бошқа соҳалари, жумладан, иқтисодиёт ҳақида ҳам сўз боради. Унда Ўзбекистоннинг тоталитар маъмурий тузумдан демократик бозор иқтисодиётига ўтиши жараёни батафсил шарҳланади.

«Ўзбек моделининг хусусияти шундаки, барча ислоҳотлар босқичма-босқич, равон амалга оширилади. Ўзбекистон иқтисодиётининг охирги ўн йил мобайнидаги ривожланиши таҳлили саноатнинг автомобилсозлик каби илғор тармоқлари шиддат билан ривожланаётганини, нефть ва дон мустақиллигига эришилганини кўрсатади. Мана шу барча жараёнлар Ўзбекистон раҳбарияти томонидан танланган йўл тўғрилигини ва мамлакат тараққиёт йўлида самарали олға бораётганидан далолат беради», деб сўзини якунлади ҳиндистонлик сиёсатшунос.

Тақдимот маросими доирасида Жавоҳарлал Неру номидаги университет кутубхонасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби, шунингдек Ўзбекистоннинг тарихий ва меъморий марказлари, ўзбек халқининг маданий ва маънавий қадриятлари, олиб борилаётган ислоҳотлар, республиканинг мустақиллик йиллари мобайнида эришган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилувчи бошқа китоб ва журналлар туҳфа этилди.

■ **А. АКБАРОВ,**
«Жаҳон» АА,
Деҳли шаҳри.

«ТАДБИРКОРБАНК» ҚИШЛОҚҚА БОРАДИ

Тўрткўлдаги «Жолим» хусусий корхонасининг ишлари яқинда бўлиб ўтган республика семинари қатнашчилари диққатига ҳавола этилгани бежиз эмас. Туманнинг чекка қўриқ Қ. Нурумбетов номли ширкатлар уюшмасида корхонанинг қатор ишлаб чиқариш ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, жумладан, новвойхона, тикувчилик цехи, сартарошхона ишлаб турибди.

Уюшмада бундай тадбиркорлар ва фермерлар анчагина. Яқинда уларнинг қувончига қувонч қўшилди — уюшма ҳудудида «Тадбиркорбанк»нинг туман бўлими шаҳобчаси иш бошлади. Энди туман марказидан анча узоқда жойлашган Й. Қурбонов номли, «Пахтаобод», «Наврўз» уюшмалари фермер ва тадбиркорларининг ҳам оғири енгил бўлади.

■ **Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида

Солиқ интизомини мустаҳкамлаш, солиқ қонун ҳужжатларига қатъий амал қилиш, солиқ тўловларининг бюджетга тўлиқ ва ўз вақтида тушишини таъминлаш, солиқ ҳақидаги ҳуқуқ бузилишларининг аниқланиши, уларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш устидан давлат назоратини кучайтириш, шунингдек солиқ органлари фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг бошқариш тизими;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси марказий аппарати тузилмаси тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тизими ходимларининг умумий сони 2000 йил 1 апрелдан бошлаб ўртача 10 фоизга қисқартирилсин. Қисқартирилаётган ходимлар ва иш ҳақи фонди Солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошқармасини ҳамда унинг ҳудудий бошқармаларини ходимлар билан тўлдиришга ва мустаҳкамлашга йўналтирилсин.

Давлат солиқ қўмитаси раисининг тўрт нафар ўринбосари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари, 11 кишидан иборат таркибда ҳайъати бўлишига рухсат этилсин.

3. Давлат солиқ қўмитаси тузилмасида солиқ органларини қисқартириш натижасида бўшайдиган ходимлар ҳисобига Солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида унга бевосита бўйсунувчи ҳудудий бошқармалар тузилсин.

Қуйидагилар Солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармаларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

солиқ соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқ бузилишларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш;

солиқ органларида ҳисобда туришдан, солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлашдан бош тортувчи юридик ва жисмоний шахсларни аниқлаш;

нақд пул маблағлари муомаласининг белгиланган тартиби бузилишларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш;

тезкор-қидирув фаолиятини, суриштирувни ташкил этиш ҳамда солиқ ҳақидаги қонунларни бузган шахсларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорликда қидириш, давлатга етказилган зарарни белгиланган тартибда ундириб олишни таъминлаш чора-тадбирларини кўриш;

белгиланган тартибда жиноий ишлар қўзғаш ва уларни жиноят турига кўра ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бериш;

солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишлар тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, текшириш ва таҳлил қилиш.

4. Давлат солиқ қўмитаси марказий аппарати тузилмасида:

Назорат-тафтиш бош бошқармаси ташкил этилсин, унга белгиланган тартибда назорат ишларини амалга ошириш ва ҳужжатларни текшириш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш функцияси юклансин;

Режим ва кадрлар бош бошқармаси ташкил этилсин, унинг таркибида Давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга қарши курашиш махсус бошқармаси тузиш назарда тутилсин.

5. Белгиланснки:

Солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармалари, Назорат-тафтиш бош бошқармаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосарига бўйсунади;

Режим ва кадрлар бош бошқармаси ўз фаолиятида Давлат солиқ қўмитаси раисининг режим ва кадрлар бўйича ўринбосарига бўйсунади.

6. Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармасининг намунавий тузилмаси;

Туман, шаҳар, шаҳардаги туман давлат солиқ инспекциясининг намунавий тузилмаси тасдиқлансин.

7. Солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармалари, Назорат-тафтиш бош бошқармаси ходимлари учун республика бюджети ҳисобидан улар лавозим маошининг 20 фоизи миқдорида махсус устамалар жорий этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги низомнинг янги таҳририни ҳамда Солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошқармаси, Назорат-тафтиш бош бошқармаси, Режим ва кадрлар бош бошқармаси тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

шу йил 1 майгача давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг янги кийим-бошини яратиш юзасидан танлов ўтказсин, бунда унга 2001 йилдан бошлаб ўтишни назарда тутсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда Солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошқармасига ва унинг ҳудудий бошқармаларига хизмат кўрсатиш учун автотранспорт воситаларига қўшимча лимит ажратиш тўғрисидаги масалани бир ой муддатда ҳал қилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошқармаси тизимида ишлаш учун Ички ишлар вазирлиги Академияси битирувчилари орасидан тезкор-қидирув фаолияти бўйича мутахассисларни йўллашни назарда тутсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг Қурилиш ва қурилиш материаллари саноати комплекси (Исаев) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Бухоро ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда Бухоро ва Фарғона шаҳарларидаги иккита янгидан қурилган касб-ҳунар коллежларини аниқласин ва уларни икки ой муддатда ушбу коллежлар базасида 2000 йил 1 сентябргача ҳар бири 200 ўринли ихтисослаштирилган солиқ коллежлари ташкил этиш учун Давлат солиқ қўмитаси балансига берсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлигининг Бухоро шаҳар ва Самарқанд шаҳар Давлат солиқ инспекцияларини, шунингдек Фарғона шаҳридаги Қиргули тумани Давлат солиқ инспекциясини тугатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

13. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси солиқ органларини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1992 йил 20 октябрдаги 483-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1998 йил 12 январдаги 14-сон қарорининг 1 ва 3-бандлари, қарорга 1-6-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрласин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Б. С. Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 13 март

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 14 мартдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	89,62
1 Австрия шиллинги	10,24
1 Англия фунт стерлинги	230,49
10 Бельгия франки	34,92
1 Голландия гульдени	63,91
10 Греция драхмаси	4,23
1 Дания кронаси	18,92
1 БАА дирхами	39,66
1 АҚШ доллари	145,67
1 Миср фунти	42,50
10 Испания песети	8,47
100 Италия лираси	7,27
1 Канада доллари	100,10
1 Хитой юани	17,60
10 Люксембург франки	34,92
1 Малайзия рингги	38,34
1 Германия маркаси	72,01
1 Польша злотийси	35,63
1 СДР	195,51
1000 Туркия лираси	0,25
1 Финляндия маркаси	23,69
1 Франция франки	21,47
1 Швейцария франки	87,69
1 ЕВРО	140,85
10 Жанубий Корея вони	1,30
10 Япония иенаси	13,69
1 Россия рубли	5,11
1 Украина гривнаси	26,54

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

ЭНГ ИБРАТЛИ ПОСБОН

Фарғона вилоятида «Энг ибратли маҳалла посбони жамоат тузилмаси»нинг кўрик-танлови ўтказиляпти. Вилоят ҳокими А. Отабоев қарорига биноан уч босқичда ўтадиган кўрик-танлов маҳаллаларда тартиб ўрнатиш, қонунбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқ маданиятини ошириш, ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштиришда маҳалла посбонлари обрў-эътиборини кўтаришга хизмат қилиши табиий.

■ **Алишер ИБОДИНОВ**

«ИЛҲОМ»НИНГ ИХТИРОСИ

Мамлакатимизда пластмасса қувурларга талаб кун сайин ошмоқда. Шу боис Ғиждувон туманида фаолият кўрсатаётган «Илҳом» фирмасида арзон ва бежирим ана шундай қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Фирма раҳбари Илҳом Ҳакимов бу ихтиронинг ташаббускори бўлди. У Жиззах пластмасса заводига бориб, у ердаги Италия дастгоҳида ишлаш жараёнини кузатди ва уларнинг жайдари нусхасини яратди. Ҳозир фирмада 20, 25, 32 диаметрлик пластмасса қувурлар чиқиндидан ишлаб чиқариляпти.

■ **Даврон БАҲРОНОВ**



Қорлар эрир... гуллайди қир, боғ
Зилол сувдай чайқалар ҳислар.
Ўрик гулин соғинган чўнг тоғ —
Нуротатов, Боботоғ, Ҳисор.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Маълумки, Қоракўл тумани Оролбўйи минтақасида жойлашган ҳудуддир. Бу ерда Оролнинг таъсири шундоққина сезилиб туради: ер юзини оппоқ туз қоплаган, сув ўта шўрланган. Бу, албатта, болалар соғлиғига таъсир этмай қолмайди. Яқинда туманга Америкадан инсонпарварлик ёрдами келди. Бу галги ёрдам асосан кўп болали оилаларга йўналтирилган бўлиб, ҳар бир халтада ун, гуруч, ловия ва бошқа маҳсулотлар бор. Бу инсонпарварлик ёрдамидан туманнинг 200 дан зиёд кўп болали оилалари баҳраманд бўлишди.

■ **Ўз мухбиримиз**

МАЙДОНДА ФАҚАТ АЁЛЛАР

Намангандаги «Дўстлик» теннис мажмуасида ўзига хос тадбир ўтказилди, — деб хабар беради **жамоатчи мухбиримиз Дилбар Хайдарова.** — Анъанага айланган теннис мусобақасини вилоят ҳокими Т. Жабборов очиб, спортчиларга муваффақият тилади. Майдонда эса туман ҳокимларнинг ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмитаси раислари ўзаро баҳслашдилар. Хусусан, Чортоқ тумани ҳокимининг ўринбосари А.Хўжаева, Давлатобод ва Косонсой туман ҳокимларининг ўринбосарлари Ў.Дадабоева билан Т.Машариповалар фахрли ўринларни эгаллашди. Ғолибларга ва энг яхши иштирокчиларга совғалар инъом этилди.

ҚИШЛОҚ БОЛАЛАРИ ЯНГИ МАКТАБДА

Мухбиримиз Музаффар Шароповнинг хабар қилишига қараганда, Навбаҳор туманидаги «Зарафшон» жамоа хўжалигида янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Ўқув йилининг асосий чорагини янги бинода ўтказишга шайланган ўқувчиларнинг қувончи чексиз. Қарийб 850 ўқувчига мўлжалланган қўшқаватли ғиштин бу бинода болалар учун барча шароитлар яратилган. Бунёдкорлик ишларига 80 миллион сўм маблағ сарфланди. Янги мактабнинг синфхоналари, ошхонаю спорт заллари гавжумлашиб қолди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ

Бугун мамлакатимиз ташқи савдо фаолияти ривожланиб бормоқда. Айниқса, экспорт салоҳиятини ривожлантиришга ва мустаҳкамлашга жиддий эътибор берилаяпти.

Давлатимиз экспорти таркибида хомашё товарлари салмоғи юқоридир. 1998 йилда пахта толасининг улуши 38,6, электр энергия манбалари 7,9, кимё маҳсулотлари — пластмасса ва ундан ясалган буюмлар 1,5, қора ва рангли металлар 5,1, озиқ-овқат маҳсулотлари 3,2, машина ва асбоб-ускуналар 4,1, хизматлар 8,8 фоизни ташкил этди. Ташқи савдо айланмасида 1996 ва 1997 йилда импорт экспортдан ортиқ бўлган бўлса, 1998 йилда экспортнинг салмоғи 51,8, импорт улуши эса 48,2 фоиз билан белгиланди.

Мамлакат экспорти жўғрофияси ҳам ўзгариб бормоқда. 1994 йилда экспортда МДҲ мамлакатларининг улуши 62,1 фоизни ташкил этган бўлса, 1998 йилга келиб 26 фоизга тушиб қолди. Экспортда узоқ хориж мамлакатларининг салмоғи ўсиб бормоқда. 1998 йилда эса уларнинг экспортдаги улуши 74 фоизга тенгдир. Ўзбекистоннинг экспорт ҳажмида 1998 йилда айрим ривожланган мамлакатлар улуши қуйидагича бўлди: Швейцария — 13,5, Буюк Британия — 13,5, Жанубий Корея — 9,9, Бельгия — 5,7, Италия — 4,5, АҚШ — 2,4 фоиз.

Экспорт ҳажми 1999 йилда мўлжалдаги даромаднинг 83 фоизига етди. Экспорт ҳажмининг ҳар йили ўзгариб туришига, мўлжалдаги даромадга етмаётганлигини изоҳлаб Президент И. А. Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида қилган маърузасида «Бунинг сабабини фақат жаҳон бозори конъюктурасидаги аҳволнинг биз учун ноқулайлиги билангина изоҳлаш мумкин эмас. Ҳамма гап шундаки, бизда маҳсулот экспорт қилувчилар фаолияти ҳам, ташқи иқтисодий фаолият маркетинги ҳам, ташқи бозорга товар чиқаришга хизмат қиладиган тизим ҳам жуда заиф ташкил этилган», — деб кўрсатиб бердилар.

Шу боисдан ҳам юртбошимиз иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида қилган маърузасида иқтисодиёт соҳасидаги бешинчи вазифа қилиб «мамлакатимизнинг экспорт



салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодиёти тизимига кенг кўламда интеграциялашувини таъминлаш» деб белгиладилар.

Мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун саноат ривожида ўзига хос «локомотив» вазифасини бажариб, ишлаб чиқаришнинг бутун бир янги тизимларини ўз ортидан тортиб кетадиган тармоқ ва корхоналарни аниқ-равон белгилаб олишимиз зарур. Бундай тармоқ ва корхоналарни ҳар бир халқ хўжалиги комплексида назарда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Эндиликда ёқилғи-энергетика комплексида Бухоро ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш асосида дизель ёқилғиси экспорти ҳажмини бир неча бор кўпайтириш, Шўртан ГХКни ишга тушириш йўли билан экспортни кўпайтиришга эришиш мумкин.

Энергетика соҳасида қўшни минтақаларнинг тўлов қобилиятларининг ўсишига боғлиқ равишда энергия экспорти кўпайтирилиши лозим. Машинасозлик соҳасида «Ўзқишлоқ хўжалиги машхолдинг» компанияси корхоналарида «Камминз» двигателлари, «Лемке» плуглари, ХМГ ва «Кейс» пахта териш машиналари ишлаб чиқарилишининг йўлга қўйилиши экспорт ҳажмининг ўсишига олиб келади.

«Ўзавтосаноат» корхоналарида 1998 ва 1999 йилларда ишга туширилган юк автомобиллар ишлаб чиқариш қувватларининг кенгайтирилиши, «ЎзДЭУавто» корхонасида янги модел автомашиналарини ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши, Жиззах аккумулятор заводида янги аккумуляторларнинг ишлаб чиқариш лойиҳасининг амалга оширилиши экспорт салоҳиятини ривожлантиради.

Кимё саноатида модернизация ва реконструкция ишларининг давом эттирилиши экспорт маҳсулотлари номенклатурасини 24 тадан 39 тагача етказиш имконини беради.

«Ўзенгилсаноат» уюшмаси ҳиссасига истеъмол товарлари ишлаб чиқариш комплекси экспорт ҳажмининг 60 фоизи тўғри келади. Уюшманинг 9 та корхонасидаги техник қайта жиҳозлаш ва қурилиш ишларининг тугалланиши яқин келажакда пахтанинг қайта ишлаш ҳажмини анча ошириш имконини беради. Бу эса экспорт ҳажмини ўстиришга олиб келади.

Мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

республикада ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш учун қонуний акт ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

экспорт лойиҳаларини, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни ва товарларни экспорт қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш;

Ўзбекистоннинг умумжаҳон савдо ташкилотига кириши учун унинг талабларига мувофиқ ички бозорни эркинлаштириш, солиқ, бож тўловлари тизимини мувофиқлаштириш, маҳсулотларни стандартлаштириш ва сифат сертификатлари талабларини халқаро талаблар даражасига кўтариш;

хорижий мамлакатлар бозорларини ўрганиш учун маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;

хорижий мамлакатларда Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг, йирик корхона, концерн, уюшмаларнинг савдо ваколатхоналари ва савдо уйларини ташкил этиш;

экспортга йўналтирилган корхоналарни қайта жиҳозлаш, модернизация қилишга хориж сармоясини жалб қилиш;

ташқи бозорлардаги конъюктура ўзгаришлари ҳақида, умуман, аҳвол тўғрисида маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш, чоп этиш марказлари, ахборот тизимларини вужудга келтириш;

миллий валюта қадрини ошириш ва уни босқичма-босқич конвертация қилиш тизимини амалга ошириш...

Бу жараёнлар эса юртимиз тараққиётида муҳим ижтимоий-сиёсий воқелик деб қаралиши, шубҳасиз.

■ **Ўктам ХЎЖАЁРОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

ҚОРАҚАЛПОҚ ҚОРАКЎЛИНИ ЖАҲОН БИЛАДИ

Тўрткўл туманидаги «Қизилқум» наслчилик ширкат хўжалиги яйловларининг бир чеккасидан иккинчи чеккасига бориш учун автоуловингга бир тонна ёнилғи ғамлаб олишинг лозим. Яйловнинг бир тарафи Бухоро, бир тарафи Қозоғистон чегаралари билан туташган. Ана шу улкан ҳудуддаги яйловларда 50 отар қўй, 26 отар йилқи, 6 отар туя боқиляпти. Қанча-қанча чўпон билан чўлиқ, уларнинг оила аъзолари ишлаяпти.

Чорвачиликни оғир соҳага чиқариб қўйибмиз. Қоракўлчиликни шундай тасвирлаймизки, эшитган одам, нукул зарар экан, қўй боқиш не ҳожат, дейиши мумкин. Бу гапни чорвачиликдан йироқ одамгина айтиши мумкин. Салкам 46 йилдан буён чорвада ишлаётган, шунинг 14 йилини «Қизилқум» хўжалиги раислигига бағишлаган Аширқули Мередов эса рақамларни, натижаларни қаторлаштириб қўйиб, 40 минг қўй боқсак, қозонимиз ҳам мой, чўмичимиз ҳам мой бўлади, дейди.

Ҳозир хўжалик отарларида 23 минг бош қўй боқиляпти. Бундан бир неча йил олдин, деярли барча хўжаликларда қўйлар бош сони қарийб ярмига қисқариб кетганида ҳам «Қизилқум»да қўйлар асраб қолинди. Қўлини қаерга узатса етадиган даражага чиқиб олиш учун эса ўстиришга қолдирилган қўйлар сони йил сайин ошириляпти — 1998 йил 5 минг, 1999 йил эса 7 минг бош қўзи ўсишга қолдирилди. 1990 йилда бошланган наслдор қўйларни кўпайтириш борасидаги ишлар ҳам ўз натижасини берди. Ҳозир 2-фермадаги 4 минг бош қўйнинг 70 фоизи сур қўйлар. Яқинда Қашқадарёда ўтказилган аукционда хўжалик тақдим этган қўчқорлар юқори баҳоларга сотилди. Хўжаликда ана шундай қўчқорлардан 200 таси боқиляпти.

Ана шу ишларнинг натижаси — ўтган йил бир миллион сўм соф даромад билан якунланди. Илғорларга қимматбаҳо совғалар, жумладан «Тико» автомашинаси берилди.

Аммо хўжалик раҳбарининг ҳам, чўпон-чўлиқларнинг ҳам бир орзуси — ўзлари етиштирган қоракўл тери, жун маҳсулотлари ҳақиқий баҳосини топишини истайдилар. Сирасини айтганда, бу Қорақалпоғистонда қоракўлчилик билан шуғулланаётган 8 хўжалик чорвадорларининг ҳам муаммоси. Яқин вақт ичида бу муаммо ҳам ҳал бўладиган ўхшайди.

Қорақалпоғистон Республикаси «Қоракўл» ҳиссадорлик бирлашмаси раҳбари Сейдали Сариев билан суҳбатдан:

— Нукус шаҳри чеккасида, барча қоракўлчилик хўжаликлари учун қулай жойда қоракўл тери ва қўй терисини қайта ишлайдиган мини-заводни монтаж қилиш ишлари ниҳоясига етяпти. Заводда йилига 34 минг дона қоракўл ва 10 минг дона қўй терисини қайта ишлаш мумкин. Ҳозир қоракўлимизни ўртача 800-1000 сўмдан сотишга мажбур бўляпмиз. Қайта ишлангач, қоракўл 5000 сўмлик хомашёга айланади. Бозорда 50-100 сўм турадиган қўй терисини ҳам қайта ишлаб, 2 минг сўмга сотиш мумкин. Бу йил қўзилатиш мавсумида олинган терилар ўзимизнинг заводда қайта ишланади.

Булар ишнинг дебочаси. Кейинчалик қоракўл теридан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақида ҳам бош қотирса бўлади. Ажаб эмас, чет эллик хонимлар Қорақалпоғистонда етиштирилган терилардан шу ернинг ўзида тикилган манто ва пўстинларга ҳавас қилиб юришса...

ҚИЗИЛҚУМ МАНЗАРАЛАРИ

(ОЧЕРК)

ЎТОВ ТЎРИДАГИ СУРАТ

Одатда, аёлларнинг исмига чўпон сўзини қўшмайдилар. Гарчи, хотин эри билан баббаравар сурув ортидан юрса ҳам, баъзи кунлари отарнинг масъулияти бир ўзининг зиммасида қолса ҳам. Болли чўпоннинг кампир Ниёзгул дайза (янга)нинг исмига ҳам ҳеч қачон чўпон сўзи қўшилмаган. Ана шу Ниёзгул дайзага қараб ўтириб, уни 60 ёш деб ўйламайсиз. Онахон чўпон эрининг ўнг қўли, ёрдамчиси бўлиш билан бирга ўн икки фарзандни тарбиялашга ҳам улгурган. Ўн икки чақалоқ ҳам ўтовда туғилган. Етти ўғилнинг бари чўпон. Асосий яшаш жойи қайси экани ҳақда бир нарса дейиш қийину, аммо ҳар ўғилнинг отардаги ўтовдан ташқари марказда биттадан уйи бор. 1175 бош қўй боқишади. Оилага ҳар ойда иш ҳақининг ўзидан 50 минг сўм даромад киради.

30 йил чўпонлик қилиб эшак арава минолмаган Болли чўпоннинг ўғилларида трактор, юк машиналари, «УАЗ» бор. Қўй боқиш ҳам осон бўлиб қолди. Чол-кампир чўпон таёғи ерда қолмаганидан хурсанд — бир таёғи минг жун иплардан тўқилган оёқбоғ, белбоғ, эгинбоғларни тортди. Тўрсочиқ, бошхур, керагабошларни ҳам янгилади.

Мана бугун, келин келадиган куннинг тонггида қўшни аёллар ўтовни ҳавас билан томоша қилишяпти.

Қўшни тумандан юз чақирим йўлдан келинни ва унинг дугоналарини олиб келган «Нексия»лар Оқдигир марказига 20 километр қолганда, асфальт йўл тугагач, тўхтаб, изига қайтади. Қизилқумнинг барханларни ёриб ўтган йўллари келинчакларнинг «Нексия»да бораман, деган тантиқликларини кўтармайди. Ташвишли жойи йўқ — безаклар бир зумда барханлар бошида кутиб турган «УАЗ»ларга «тақилади».

Келинни ўтов олдида «Қизғалдоқ» қозоқ ансамбли «Тўй жири» билан кутиб олди. Йигит-қизлар давра бўлиб гоҳ «Лазги» билан Шақирдоқингдан»га, гоҳ «Айланайин, кўзингдан»га рақс тушади. Уларнинг бўй-бастига, энг сўнгги урфдаги кийим-бошларига, рақс тушишига қараб туриб, чўлнинг қоқ марказида эканлигингни, булар ҳам чўпон болалари эканини унутиб қўйишинг ҳам мумкин.

Келиннинг бошидан қандқурс сочиб, ичкарига киритилди. Беточарда ҳеч ким четда қолмади. Куёвнинг ота-онасидан тортиб, Аширқули Мередовгача, чўпонлар, қариндошуруғлар гоҳ мақтаб, гоҳ гап билан «чимчиб» олинди.

Ёш йигит-яланглар келиннинг сепини машинадан туширириб, ичкарига таший бошладилар. Улар орасида келин ўз қўли билан тўқиган гилам ва четига оловранг газлама ва тилла иплар билан ҳошия берилган тускигиз ҳам бор. Умрбек отарга кетган пайтда, рўзғор ишларидан бўшаган келин ўтовнинг қолган анжомларини ҳам тўқийди ва Қизилқумда яна бир чўпон ўтови тикилади.

Бир неча дошқозонларда қайнаган шўрва, паловлар даваларга тортилди. Атрофдаги ҳамма хонадонларда қўноқ олинди, ҳар қўнувда бир қўй сўйилиб, қўноқлар ҳурмати учун калла тортилди.

Тўйнинг энг қизиғи пешинда бошланди. Оқдигир марказини отларнинг дупури, чавандоз ва томошабинларнинг ҳайё-ҳуйти тутиб кетди. Тўй эгаси от пойгасида ғолиб чиққан чавандозга туя, иккинчи ва учинчи совринга от ва қўй берди.

Бошдан-оёқ ёнида тургандек тасвирладинг-а, дейсизми? Ахир, мен тўйнинг устига бориб қолибман. Тўй томошаларини охиригача томоша қилдим. Бешбармоқ еб, шубат ичдим..

■ **Шарофат ЙЎЛДОШЕВА**



—Баҳор боғлари нақадар гўзал-а, — дейди Рўзимурод бобо неварасига.

Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат

ИЗЛАНГАНГА ИМКОН ЁР

«Жиззахавтойўл» давлат акциядорлик жамияти жамоаси бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, янги имкониятларни ишга солмоқдалар. Хусусан, жамоа ташаббуси ва мавжуд механизмлар ёрдамида Фориш туманининг «Чимкўрғон» хўжалиги ҳудудидаги фойдаланилмаётган темир рудаси кони ишга туширилди, — деб ёзади **мухбиримиз Иброҳим Жонузоқов.**

— Конда таркибида 70 фоиз темир моддаси бўлган тошларнинг 2,5 миллион тонналик заҳираси мавжуд, — дейди акциядорлик жамияти раиси Зокир Мансуров. — Ўтган йили 13 минг тоннадан ортиқ шундай тош рудасини қазиб олиб, «Навоийцемент» корхонасига жўнатдик. Бу йил «Навоийцемент» жамияти билан 15 минг тонна ана шундай хомашё учун шартнома имзоладик.

Халқимиз излаган имкон топади, деб бежиз айтмаган-да.

100 ДАН ОРТИҚ ҚИШЛОҚҚА ГАЗ КЕЛДИ

Президентимиз қашқадарёлик сайловчилар билан учрашувда аҳолини табиий газ билан таъминлашга алоҳида эътиборни қаратган эдилар. Бу бежиз эмас. Олайлик, вилоятда газлаштириш 56 фоиздан ошгани ҳолда, Чироқчи туманида 19 фоизни ташкил этмоқда. Энг кўп ғалла етиштираётган, қишлоқлари қир-адирлар бағрига сочилиб кетган, кўплаб маиший қулайликлардан маҳрум чироқчиликлар қачонгача шу аҳволда қолиши мумкин?

— Агар «Келеф-Кўкдала» йўналишида 42,5 километрлик газ тармоғи қурилса, туманни қарийб 60 фоиз газлаштириш имкони яратилади, — деган эди «2-Ўзгазқурилиш» ҳиссадорлик жамияти раҳбари Баҳодир Элбоев олдинги йили. — Лойиҳа тайёр, фақат маблағ масаласи ҳал бўлса бас.

Ҳукуматимиз томонидан бу ишга катта миқдорда маблағ ҳам ажратилди. Республикамиздаги бешта вилоятда қурилиш олиб бораётган бу ташкилот қурувчилари ўтган йили ишни ҳам бошлаб юборишди. Қувур, қурилиш ашёлари масаласи ижобий ҳал этилди. Ва ниҳоят қурилиш тугалланди. Туман ҳокимининг қурилиш бўйича ўринбосари Искандар Абдуғафуровнинг айтишича, 600 миллион сўмликдан ошиқ қурилиш ишлари бажарилди. Бу янги газ тармоғи «Оқчава», «Чиял», «Шўрқудуқ», «Наврўз», «Бешчашма», «Кўкдала», Дилли Сафаров, Ф. Хўжаев номли хўжаликларга қарашли 100 дан ошиқ қишлоқларни табиий газ билан таъминлайди.

■ **Юнус УЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

СЕМИНАР МАНФААТЛИ БЎЛСА

Самарқанд шаҳридаги «Зиёлилар саройи»да Конрад Аденауэр жамғармаси, «ТАСИС», Республика «Камолот» жамғармаси ҳамкорлигида «Номарказлаштириш — маҳаллий ўзўзини бошқариш органларининг маркази. Уларнинг Ўзбекистон қишлоқларида ислоҳотларни ривожлантиришдаги роли. Ҳуқуқий, иқтисодий томонлари ва уларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши» мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистонда таркиб топаётган демократик жараёнлар, иқтисодиётни эркинлаштириш, ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги ижобий ўзгаришлар, ютуқлар ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилди. «ТАСИС» лойиҳасининг Марказий Осиёдаги бошлиғи Р. Янг, Конрад Аденауэр жамғармасининг ҳудудий бўлими вакили В. Шрайбер ва бошқаларнинг мушоҳадаларини маҳалла фаоллари, фермер ва деҳқон хўжалик раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қизиқиб тингладилар.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

«ҚАРИЯ» ФУТБОЛ КЛУБИ

Ўтган йилнинг охирига келиб Қорақалпоғистонда «Қария» футбол командаси ташкил этилди. Клубнинг асосий мақсади — республикада футбол фахрийларини ижтимоий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг футбол билан шуғулланишини ташкил этиш ҳамда футболни ривожлантиришдан иборат.

Бу йил май ва октябрь ойларида хотира турнирлари ўтказилади. Шунингдек, май-август ойларида Қорақалпоғистон терма командаси Ўзбекистон чемпионатида қатнашади. Кейинчалик Қорақалпоғистон ва Нукус шаҳри чемпионати ўтказилади. Марҳум футболчиларнинг оилаларидан хабар олиниб, «Қария» футбол клуби томонидан совға-саломлар топширилади.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ТАДБИРКОРНИ ДУО ҚИЛИБ

Навбаҳор туманидаги «Кескантерак» қишлоғи ўзининг қадимийлиги билан ажралиб туради. Бу ерда шарқона услубда бунёд этилган замонавий чойхона билан гумбазли ҳаммомнинг ишга туширилиши отахонларни беҳад қувонтирди. Энди улар ёз ойларида чойхўрлик қилиш учун Бешработ ёки Яттиқўрғонга бориб юрмайдиган бўлишди. Ўзлари учун ажойиб қулайлик яратишда саховат кўрсатган тадбиркор Ўктам Рўзиқуловни отахонлар «бирингга — минг бersин» деб дуо қилишмоқда.

■ **Музаффар ШАРОПОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ҲИССАДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Беруний «Ёғғар» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти 2000 йил 12 апрелда ҳиссадорларнинг умумий йиғилишини ўтказади.

ЙИҒИЛИШ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛДА БЎЛИБ ЎТАДИ:

Беруний шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 12-уй.
Ҳиссадорларни рўйхатга олиш соат 10⁰⁰ да, мажлис эса ҳиссадорлик жамияти мажлислар залида соат 14⁰⁰ да бошланади.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Ёғғар» ҳиссадорлик жамиятининг 1999 йил иш фаолияти тўғрисида ҳисобот ва 2000 йил вазифалари тўғрисида.
2. Ҳиссадорлик жамиятининг 1999 йил ҳисобот ва йиллик балансини тасдиқлаш.
3. Тафтиш ҳайъатини ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Дивиденд миқдори ва уни тўлаш тартибини тасдиқлаш.
5. Низом жамғармасини ошириш.
6. Низом жамғармаси кўпайгани учун низомга қўшимча ўзгаришлар киритиш.

«Ёғғар» ОТҲЖнинг 2000 йил 1 январгача бўлган баланси
минг сўм ҳисобида.

№	Кўрсаткичларнинг номи	Актив	Пассив
1.	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати	30998	
2.	Капитал қўйилмалар	43103	
3.	Ишлаб чиқариш заҳиралари	46220	
4.	Пул маблағлари ва қимматли қоғозлар	11320	
5.	Дебитор ва кредитор қарзлар	3799	22701
6.	Бюджет бўйича қарзлар	3392	3993
7.	Ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарзлар		247
8.	Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар		568
9.	Устав капитали		2793
10.	Резерв капитали		59487
11.	Тақсимланмаган фойда		49043
	Баланс	*138832*	*138832*

1999 йил учун барча солиқлар тўлангандан кейин қолган соф фойда 50170,0 сўм.
Маълумот олиш учун манзил: Беруний тумани «Ёғғар» ОТҲЖ Кузатув кенгаши, тел.: 524-26-78. АП «Прогноз-плюс» Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй. Телефон: 41-46-50

БУРҲОНИДДИН АЛ-МАРҒИНОНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 910 ЙИЛЛИГИГА

АЛЛОМАНИНГ ҚАБРИ ҚАЕРДА?

Аввало, шуни алоҳида таъкидламоқ лозим: Истиқлол шарофати ила бундай эзгу ишлар офтоб юзини кўрди. Юз берган воқеалар моҳиятидан, шубҳасиз, ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудининг ҳижрий сана бўйича 910 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори элимизни, дунёдаги маърифатпарвар кишиларни беҳад қувонтирди. Олимнинг маънавий меросини тиклаш, асарларини чоп этишга киришилди. Ислом оламига машҳур «Ҳидоя» асари ва унинг муаллифи ҳақида рисола ва мақолалар ёзилди. Риштон ва Марғилон шаҳарларида улуғ ватандошимиз хотирасини абадийлаштириш тадбирлари кўрилмоқда... Аммо шу чоққача алломанинг қабри қаердалиги хусусида турлича, бир-бирини рад этувчи фикрлар мавжуд.

Биринчиси: тарихий ва яқин йилларда ёзилган илмий асарларда «Самарқанддаги Чокардиза қабристонида», деб кўрсатилган.

Иккинчиси: кейинги йилларда тилга олина бошланган манбаларда «Хатирчи туманида», деб ёзилмоқда.

Учинчиси: «Риштоннинг «Даҳбед» маҳалласидаги қабристонда мақбараси бор», дейилган.

Тўртинчиси: «Марғилонда қабри бўлган», дейилган манбалар ҳам йўқ эмас.

Хўш, бу маълумотларнинг қайси бири ҳақиқату, қайси бири ривоят?! Ҳар ҳолда масалани аниқ далиллар асосида ҳаққоний ўрганиш зарурлиги ўз-ўзидан равшан.

Ишга ойдинлик киритишдан олдин Бурҳониддин Марғиноний ҳақларига қисқа маълумот беришни мақсадга мувофиқ, деб билдик.

Ул зот ёшлигидан муқаддас Қуръони каримни ёдлаб, Муҳаммад Расулуллоҳ салаллоҳи алайҳи вассаламнинг суннатлари, яъни хадисшунос даражасига етади. Ўз даврининг фиқҳшуносларидан сабоқ олади. Фавқулодда билими ва заковати, кўп илмларни пухта ва теран идрок эта билиши туфайли Ислом шариатининг ҳуқуқий билимларини тўплаб, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан умумлаштиришга киришади ва шу тариқа ҳаққоний ва адолатли қонунлар мажмуасини яратади. «Китоб ал-Ҳидоя» ана шундай кўп йиллик машаққатли ижодий меҳнатнинг самарасидир.

Муаррих Абу Тоҳир ҳожа Самарқандий «Самария» китобида шундай ёзади: «Мавлоно Бурҳониддин аср чоғида душанба куни ражаб ойининг саккизинчи 515 (1123 йил 23 сентябрда, сешанба куни) да туғилиб, 544 (1149 йил) да зиёрат қилиш учун ҳажга бориб қайтди. Зулқаъда ойининг 4-си 573 (1178 йил, апрель ойи)да Самарқандда «Ҳидоя» китобини ёзиб битказди».

Аллома ҳаётлари давомида кўплаб зарур асарлар ёзиб қолдирган. Булар: «Фиқҳни ўрганишни бошловчилар учун қўлланма», «Фиқҳ бўйича ҳолатлар тўплами», «Нашр ал-Мазҳаб» (Мазҳабнинг тарқалиши»), «Китоб ат-тажнис вал-мазид» («Фуқаролик ҳуқуқини тақдим этиш»), «Китоб ул-Фариоз» («Мажбуриятлар ҳақида китоб»), «Мазид фи-фуруъ ул ҳанафий» («Ҳанафий мазҳабига қўшимчалар») ва яна ўнлаб китоб, рисола, шарҳлар шулар жумласидандир.

Дастлаб «Бидоёт-ал-Мубтадий», яъни «Қонунни ўрганишга киришиш» китобини ёзади. У чуқур назарий услубда битилган эди. Китоб муаллифи ҳуқуқшунослик соҳасида бутун салоҳиятини кўрсата олган бўлса-да, бироқ ундан амалда фойдаланишда қийинчилик туғиларди. Олим шу боис мазкур китобга саккиз жилдлик шарҳ ёзиб, уни «Кифоят ул мунтаҳий» деб атайди. Ўзларига ўта талабчан ва изланувчан аллома мана шу асари асосида «Китоб ал-Ҳидоя»ни яратади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бу асарлар унинг муаллифига мусулмон оламида, ҳатто дунёнинг турли жойларида ҳам катта шуҳрат келтиради.

Етук ҳуқуқшунос, ҳадисшунос, донишманд ватандошимизнинг буюк хизматлари олдида таъзим этиб, мозорларни зиёрат айлаш инсоний бурчимиздир.

Хўш, ул зотнинг қабрлари қаерда: Самарқанддами ё Хатирчида ёки Риштоннинг «Даҳбед» маҳалласи қабристонидами? Ёхуд Марғилондами?

Бурҳониддин Марғинонийнинг мозорлари Хатирчи туманида деган гаплар шахсан мен учун афсонага ўхшайди. Сабаби, мақоламиз бошида айтилган қадимий манбаларда ёзилганидек, ул зотнинг қабриларни Самарқандда, деб билардим. Шунга қарамай бу масалани аниқлаш зарурати туғилди. Тошқулоқ қишлоғилик Тошпўлат Хўжамов мен излаган ва суҳбат қилишим зарур бўлган кишилардан бири эди. У шоир табиат, кези келганда ижод билан шуғулланиб юрган, суҳбати ҳаловатбахш, хушчақчақ, камтарин киши экан.

— Шу воқеанинг айнан гувоҳиман. Лекин афсус вақтида унчалик аҳамият бермабман, — деб ҳикоя қилади у. — Аниқ эслайман, мактаб директори, марҳум Муродулла Тешаев: «Юринг, Мулла Мўмин бобо хатмига айтишибди», — деб мени эргаштириб борди. Ҳовлига кирсак, анча одам. Расм-русумида хатми қуръон ўқилди... Мулла бобо: «Ниҳоят пиру устоз Бурҳониддин Марғинонийнинг хок-покларини олиб келдик. Шу ўзимизнинг қабристонга қўймоқчимиз. Яхши зотлар руҳларига бир савоб дегандик...», дея беҳад хурсандлигини билдирди. Биз унчалик эътибор бермаган эканмиз. Тўғриси, Бурҳониддин Марғинонийнинг кимлигини у пайтлар дурустроқ билмасдик. Шу билан чиқиб кетганмиз... Яхшиям, истиқлолга эришдик. Бўлмаса, гап нимадалигини ҳам англамасдан ўтардик.

Тошпўлат ака эшитилар-эшитилмас «Ҳайрият, ҳайрият...» деб қўйди. Бироз тин олгач, ўрнидан туриб, китоб жавонидан бир қора жилд олди. Унинг орасидан буклоғлиғ газетани олиб қўлимга тутқазди:

— Ўзимиз яшаётган қишлоқ жойларининг тарихини баҳоли қудрат қаламга туширувдик. Унда Бурҳониддин Марғинонийнинг қабрлари Хўжақул Эшон қабристонида эканлигини ҳам кўрсатдим. Кейин туман ҳақида ёзилган китобга ҳам киритилди...

Тошпўлат Хўжамов Хатирчи туман газетасининг 1996 йил 31 май сонида ёзишича: мударрис Мўмин бобо Берди ўғли асли Қўқон мадрасасида таълим олган. У диний билимлар қомусчиси ва тарихчи эди. 30-йиллар бошида диндорларга нисбатан уюштирилган қатағон туфайли Хатирчига келиб қолган. Эл орасида катта обрў-эътиборга сазовор бўлган. Вафотидан олдин эса Самарқанддаги қабристон четида сариб ташланиши муқаррар бўлган Бурҳониддин Марғинонийнинг хокини қишлоққа олиб қайтади...

«Хатирчи тумани тарихидан лавҳалар» китобида «Улуғ зотлардан бири Бурҳониддин Марғинонийнинг хоки-поклари туманимизнинг Хўжақул Эшон қабристонидадир», дейилган. (Тошкент «Фан» нашриёти, 1996 йил, 16-бет).

Бир пайтлар Мулла Мўмин Берди ўғли ишлаган бригада саркори, 83 ёшли Сувон ота Очилов шундай хотирлайди:

— Мулла Мўминни билганларнинг беҳад ҳурмат қилишарди. Ўзлари хушсурат, озодагина кийиниб, кўча-куйда мулойим муомала қилиб юрарди. Илмлари жуда ўткир, ҳокисор одам эдилар.

Даштда бригада полизига кўп йиллар қоровул бўлганди. Баъзилар билса ҳазил, билмаса чин, деб кечқурун полизга ўғриликка кириб, қўлтиғидаги тарвуз-қовун билан полиздан чиқолмай, кўзларига сув-ариқлар кўриниб, эрталабгача сарсон-саргардон юраверишган... Шунақа, дуо билан сеҳрлаш ҳислатлари ҳам бор эди.

У кишидан кўп одамлар шифо топишган. Нафаслари ўткир, мулла, илмли киши эдилар. Қачон уйларига борсак, эскича китобларини мутолаа қилиб ўтирганини кўрардик. Китоблари беҳад кўп эди... Энди сизни қизиқтирган гапга келсак, раҳматли Мулла Мўмин мени иним дерди. Ўзлари илгаридан: иним Мулла Сувонбой, устознинг қабрлари хор турибди, олиб келиш керак, тушимга тез-тез кирадиган бўлган, деган гапларини тез-тез такрорлаб юрарди. Ниҳоят, колхоздан мошин сўраб, Самарқанддан пирларининг хокидан келтириб, хатм қилдириб, қишлоқ қабристонига қўйдик. Бир куни қабрни яхшилатиб суватган эдик. «Ҳой-ҳой, иним, бу кишининг шунчалик қисилиб ётганлари етар, устларида гил-гиёҳлар ўссин», деб ғиштларни олдириб ташлатди.

Мулла Мўмин вафотидан икки кун олдин: «Бир кунлик маъракамда обрўйимни жойига қўйсанглар. Аммо зинҳор базинҳор жасадимни пиру устозим пойига қўйишни унутманглар», деб васият қилдилар. Васиятларни эл билан бирга адо этдик.

Бурҳониддин Марғинонийнинг муборак хоклари олиб келингач, Хўжақул Эшон қабристонининг ҳали одам қўйилмаган тоза томонидан қабр ковланиб, лаҳатга қўйилди...

Меҳнат фахрийси Нормамад Турниёзов:

— Мен бригадада мироб эдим. Мулла бобонинг ҳовлисига яқин маккага сув таратдим, Мулла бобо ёнимга келиб: «Иним, бизнинг томорқани суғоргин, қўлимиз тегмайди, хатм қиляпмиз», — дедида, мулойимлик билан хатмга келишимни айтди... Кейин хатмда қатнашдим. Келиб кетувчиларга: «Ниҳоят, кеча пиру устоз Бурҳониддин Марғинонийнинг суяк-покларини Самарқанддан олиб келдик. Шундай қилмаганда, улуғнинг қабридан нишона қолмасди...» дегич эди. Ундан сўнг қабристонга бордик. Мен билан бирга ликда Жумаев Холмурод, Тўхтаев Тоғай, яна кимлардир, ҳозир аниқ ҳаммасини эслай олмайман, қабр ковлашда қатнашувди...

Тошқулоқнинг шимолдаги тепаликлар орасида, Сарой қишлоғида Хўжақул Эшон қабристони бор. Ён-атрофдаги қишлоқлар аҳли бу ерни муқаддас билишади. Қабристоннинг кун чиқари дарахтлар билан ўралган. Бир-бирига туташ икки қабр турибди. Ҳар иккала қабрга ҳам мармардан лавҳа ўрнатилиб, араб имлосида қуйидаги сўзлар нақшланган:

«Бисмиллоҳир роҳмонир роҳийм».

СОҲИБ ҲИДОЯ БУРҲОНИДДИН

Фарғонада 511 (сана) туғилди.

593 (сана) Самарқандда вафот этди. Ҳозир суяклари Хўжақул Эшонда...

Эсдалик учун набираси Атоуллоҳ хўжадан».

«...Набираси Атоуллоҳ хўжадан» деган жумла мени ўйга чўмдирди. Бурҳониддин Марғинонийнинг вафотини Мулла Мўмин бобо ҳаётлик пайти билан ҳисобланганда ҳам қарийб етти асрдан ошади. Қанақасига набира? Ё ҳақиқатдан ҳам бу киши биз сўз юритаётган буюк зот наслидан, авлодидан, томирларидами? Бобокалонга кейинги фарзандлар набира ҳисобланаверади-ку? Балки, бу улуғларимизга чексиз эътиқод рамзимикан? Яна барчаси Яратганга аён!

Иккинчи қабр, яъни «пирлари пойида ётишни» орзу қилган Мулла Мўмин бобонинг хотирасига қўйилган мармардаги ёзувда эса шундай дейилган:

«Бисмиллоҳир роҳмонир роҳим».

Атоуллоҳ ҳожа ибн Абдулмўъмин хожа Намангоний 1317 ҳижрий йилда Наманган шаҳрида туғилиб, Самарқанд область Хатирчи районида 24-чи жимодул аввал ойида дорилфанодан дорулбақога интиқом қилдилар, яъни, 1968 йил 18чи август куни».

— Отам ўлимларидан олдин менга икки варақ қоғоз узатиб, васият қилувдилар, — дея тушунтиради. Мулла Мўмин бобонинг ўғли Шамсиддин. — Сангтарошга ёздириб, пиримиз билан менинг қабрим бошига қўйинглар. Мана бундаги бир калимадан эҳтиёт бўл. Ўлган кунимиз арабийдан саводли киши ёзсин.

Дарҳақиқат, отамни ўзлари айтган кунда тупроққа қўйдик.

Тошқулоқ қишлоғида улуғ зотнинг Самарқанддаги дахмасидан суякларини олиб келганлар — Нарзи Жумаев, Пирмат Ниёзов (бугун икковлари ҳам марҳум — Р.Қ.)нинг берган далил, ҳикоясини эшитганлар ва қабрни кўчиришда иштирок этганлар билан бўлган мулоқотлардан кўп нарсалар равшанлашди.

Албатта, тадқиқотимизга шу билан нуқта қўйиб бўлмасди. Шу боис Самарқандга йўл олдик. «Сариб ташланиши муқаррар турган» қабр ёхуд «бутунлай текисланган» қабристон қаерда? Наҳотки, ундан номнишона қолмаган бўлса?

Саволлар изланишни тақозо этарди. Дастлаб муаррихлар томонидан ёзиб қолдирилган манбаларга мурожаат этамиз:

«Мавлоно Бурҳониддин Марғиноний мозори. Ул киши «Ҳидоя» китобининг эгаси... ушбу Бурҳониддин Марғинонийнинг қабри ҳам Чокардиза қабристонида, катта кўчанинг кунботарида, ҳовузга ўхшаган чуқурнинг ёнидадурким, шу катта йўл ўша ҳовуз орқали (шарқий шимолга қараб) ўтади. (Мавлоно) Бурҳониддиннинг қабри (ўша) катта йўлнинг жануб тарафида пишиқ ғиштдан қилинган баланд суфададир».

Тафсилот шунчалик аниқки, қабристоннинг номи, бу манзилга элтувчи йўл, ҳатто қабрлари қандайлиги ҳам маълум.

Бу манзара дарж этилган муаррих Абу Тоҳир хожанинг «Самария» китоби ҳижрий 1260-1265 (1844-1848) йиллар оралиғида ёзилган. Демак, ўтган муддат, шубҳасиз, 150-154 йилни ташкил этмоқда. Шу даврда ўтган қанчадан-қанча алғов-далғовли воқеалар кечди.

Абул Ҳакими Самарқандий «Қандия» деб номлаган асарининг «Чокардиза қабристонининг зикри» фаслида шундай ёзади:

«Арабу-ажамда машҳур бўлган «Ҳидоя» китоби соҳиби (Бурҳониддин Марғиноний — Р.Қ.) нинг қабри ҳам иншоолло ўша ердадир».

Китобнинг 1908 йилда Самарқандда форс-тожик тилида, араб имлосида чоп этилганини эътиборга олсак, қабристон ва ундаги Бурҳониддин Марғиноний қабри бундан тўқсон йиллар бурун ҳам яхши сақланиб қолган.

Қабристон тарихи олимлар эътиборидан четда қолмади, албатта:

Чокардиза қабристони. Сиёб туманининг жанубий-шарқий қисмида Ғиждувон кўчасида жойлашган. X асрда Хўжа Мансури Мотуридий мачити ёнидан ташкил қилинган. Майдони тўрт ярим гектар.

Чокардиза — Самарқанд шаҳридаги маҳалла, мазкур номдаги канал ва қабристон мавжуд.

Маҳалла ҳудудида ҳарбий истеҳком бўлиб, атаманинг юзага келишига сабаб бўлган. Чокардиза «Чокар» — жангчи ва «диза» — қалъа сўзларидан ташкил топган ном бўлиб, «жангчилар қалъаси» маъносидан иборатдир.

Яна бир манбада юқоридаги фикрлар баён қилиниши билан бир қаторда «XX асрнинг ўрталарига келиб совет ҳокимияти даврида қабристон текисланиб, устидан уйлар қурила бошланди ва натижада улуғ алломаларнинг қабрлари топталиб йўқ бўлиб кетди», дейилади.

Комилжон Каттаев билан суҳбатлаша-суҳбатлаша қадимий Самарқанднинг бир манзилида тўхтаймиз.

— Тақсир, ҳозир биз турган жойлар сиз ахтарган Чокардиза қабристони ўрни... — дейди у.

Ҳайрон бўлиб тикиламан. Атрофда на қабр, на қабристон бўлгани билдирувчи бирор нишона бор.

— Ҳайратланманг, шу ерлар аввал қабристон эди, — дея гапини давом эттиради у. — Кейинчалик аҳоли истиқомат жойларига айланиб қолди... Чокардиза қабристонида қўним топган улуғ алломалар зиёратгоҳини тиклаш ҳаракатлари бўлди. Машҳур файласуф ва донишманд, мударрис Абул Мансури Мотуридий мозори тўрт йил олдин топилди. Ҳозир зиёратгоҳ бўлган. Бошқа алломаларнинг қабрлари шу атрофдаги ҳовли ва кўчаларда... Ким билсин, балки қайси бир деворнинг тагидадир... Ахир, замон шунақа эди-да тақсир! Начора...

У чуқур хўрсинади. Мен ҳам...

— Улуғ аллома вафотининг 800 йиллиги арафасида қидирув ишлари олиб борилди. Аммо ётган маконларидан нишона топилмади. «Самария» китобида кўрсатилган йўриқ асосида ҳам топиш душвор бўлди. Боиси, кўриб турибсиз: қабристон текисланиб, ҳовлиларга ажратиб берилган. Мана бу кўчалар, уй-ҳовлилар пайдо бўлган.

Комилжон Каттаев билан қаршимиздаги боғчага кириб бордик. Унинг бир томонида мўъжаз нақшинкор гумбаз қад ростлабди. Ён-теварагида чала қолдирилган яна қандайдир қурилиш бўлишидан далолат бериб турарди.

— Чокардиза алломалар энг кўп дафн этилган қабристон эди. Мана энди, — у қўлларини ёзиб, гумбаз томон ишора қилди, — мармартошдан ёдгорликлар барпо этилмоқда. Уларнинг ҳар бирига алломанинг номи, туғилган ва вафот этган йиллари ёзилади. Бу ҳам бизга бир таскин... Бурҳониддин Марғиноний вафотининг 800 йиллиги кунларида Фарғона ва Марғилондан келган вакиллар улуғ зотни хотирлаб шу ерда Қуръон тиловатини адо этиб кетишди.

Манбалардан маълумки, Чокардиза қабристони Абу Ҳафс Нажмиддин Насафий ас-Самарқандий, Тафтазоний сингари йирик алломалар, саййидлар, шайхлар, имомлар қўйилган табаррук жой бўлган. Асрлар оша илм ва иймон макони, дея эъзозланиб келинар эди. Энди эса...

Алломанинг камолга еткарган жойлар билан боғлиқ гўзал масканларда бўлиш киши дилида қандайдир ширин ҳислар уйғотади. Буюк зот суйган юрт: Риштон ва Марғилон... Қадимий икки шаҳарнинг тарихи ва шуҳратини зарвароқларига буркаган асл фарзандлари ҳақида қанча гапирсак кам. Шу боис аждодларнинг қадами етган муқаддас жойлар, улардан қолган маънавий мерос, ёдгорликлар, умуман, ҳаёт ва фаолиятлари хусусида ажойиб ҳикоят, воқеаларни эшитасиз.

Ривоят қилишларича, Бурҳониддин ал-Марғинонийга «Ал-Ҳидоя» китобини шу ерда, Марғилонда ёзишлик нозил бўлган экан. Китобнинг илк қисмлари Гўриаввалдаги қабрда бошланган экан. Ул киши шундай қаттиқ ишларканки, ҳатто тановулга вақтимни кўп сарф этмайин, деб ниҳоятда кам еб, кам ичиб куну тун фақат ижод, ёзиш билан машғул бўлар экан. Тинимсиз меҳнат, камқувватлик натижасида ҳушдан кетиб одамлар наздида ўлиб қолгандай бўлиб кўринибди ва у кишини дафн этишибди. Бир неча кундан сўнг қабрдан ёруғлик кўринибди. Очиб қарасалар, аллома тирик...

Кейин билсалар, Аллоҳ ўз нури билан қабрни ёритиб турган экан. Аллоҳдан куч-қувват олган олим китобнинг маълум қисмини ёзган эмиш...

Марғилондаги Гўриаввал маҳалласининг номланиш тарихи юқорида келтирилган ривоятга боғланган. Бу ерга қўйилган одамзоднинг биринчи қабри, яъни Гўриаввал маҳалласининг соҳиби Б. Марғиноний экан.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ёзади: «Соҳиби «Ҳидоя» Марғиноннинг Рушдон отлиқ кентидандур».

«Буюк аллома таваллуд топган маҳалла яқинида жойлашган ва унинг номидаги «Соҳиби Ҳидоя» қабристонига бориб унинг шарафига тикланган мақбара зиёрат қилинди». «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 1999 й. 4 июнь)

«Халқаро анжуман иштирокчилари энг аввало Риштоннинг Чиннигарон маҳалласи, Даҳбед мавзесидаги «Соҳиби Ҳидоя» қабристонига бориб, янги тикланган, риштонлик усталар ва кулолларнинг ар-Рошидоний мақбарасини зиёрат қилдилар». («Миллий тикланиш», 1999 й. 7 сентябрь).

Бизнинг диққат-эътиборни «Соҳиби Ҳидоя» қабристони ибораси ўзига тортади, нима сабабдан қабристон шу номда? Агар тарихий манба ё ишончли далил асосида аниқланиб олинса, у пайтда алломанинг қабри шу ерда эканлиги эҳтимолдан холи эмас. Шунингдек, Самарқанддан буюк инсоннинг қабри киндик қони тўкилган она юртга, Риштонга кўчирилганми, деган фикрлар ҳам аниқ бўлиб чиқиши мумкин?!

Улуғ шоир, жасур саркарда, йирик муаррих Бобур Самарқанд ва атрофдаги зиёратгоҳлар, шунингдек Шайхулисломнинг муборак охират жойи ҳақида бундай сўзларни битганлар: «Яна соҳиби «Ҳидоя» ким, Имом Абу Ҳанифа мазҳабида «Ҳидаядин» мўътабарроқ китоби фиқҳ кам бўлғой. Фарғонанинг Марғилон вилоятиндандур, ул ҳам дохили Мовароуннаҳрдур».

Дилбар инсон Бобур беҳад ихлос-эътиқод қўйган Б. Марғинонийнинг Самарқанддаги қабрини билган; балким бир неча бор зиёрат этгандир ҳам. Демак, алломанинг қабри XV-XVI асрда ҳам Самарқанддаги Чокардиза қабристонида тургани аниқ.

«Самария», «Қандия» ва бошқа тарихий асарларда кўрсатилган маълумотда, яъни Бурҳониддин Марғиноний дафн этилган жой Самарқанддаги Чокардиза қабристони эканлиги ҳақ бўлиб чиқади. Шўролар даврида ҳам яқин йилларгача мавжудлигини тасдиқловчи далиллар бор.

«Ҳазрат қадамжоларида бўлишдан мақсад: улуғ зотнинг ҳаёти ва фаолиятлари ҳақида маълумотлар тўплашдир. Фарғона водийсининг кўпгина жойларини кезишга тўғри келди. Самарқанд ва Бухорода бўлдик, — дейди илмий-изланиш иштирокчиси зукко журналист Ўктам Эшонбобоев. — Ҳазратнинг қабрлари бизларни ҳам анча ўйлатиб қўйганди. Ҳақиқатан, ҳовлиларга бўлиниб кетган Чокардизада олтмишинчи йилларнинг ўрталаригача қабри турганлигига иқрор бўлдик...

Риштонда Бурҳониддин ал-Марғиноний шарафига қўйилган рамзий мақбара ва атрофи боғу роғ қилинганлигини кўриб, риштонликларнинг олийҳимматлилигидан жуда ҳам севиндик».

Бурҳониддин ал-Марғиноний қабри Самарқанддаги Чокардиза, Хатирчи туманидаги Хўжақул Эшон, Марғилондаги Гўриаввал, Риштондаги «Соҳиби Ҳидоя» қабристонининг қайси бирида, деган муаммо ўз-ўзидан ойдинлашди дейишликка ҳақлимиз. Кўриниб турибдики, Самарқанддаги Чокардиза қабристони топталиб, батамом йўқотиб юборилгач, аллома қабри нишонсиз қолмасин, дея сақлаб қолиниши учун қилинган эзгулик, яъни Хатирчи туманига боғлиқ ишлар сабабсиз содир этилмаганига ишонч ҳосил қилади, киши.

Тарихдан маълумки, подшоҳлар, хонликлар, хусусан темурийлар даврида ва ҳанузгача ҳаётда қабрларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш ҳоллари кўп учрайди. Сабаблари қандайлигидан ва кўчириш вақтидан қатъий назар, марҳумнинг хок-суяклари қаерга келтирилиб қўйилган бўлса, ўша жой марҳум соҳибининг чинакам охират манзили ҳисобланган. Бунга Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қабри яққол мисол: шоир вафот этганда Аградаги ўзи яратган «Нурафшон» деган боғда дафн қилинган бўлса-да, кейинчалик Қобулга васиятига кўра кўчирилиб дафн қилинган жой Бобурнинг ҳақиқий қабри, зиёратгоҳи эканлигини яхши биламиз.

Воқеалар занжири ўтмиш ва яқин йилларга уланиб, беихтиёр кўнглимдан ўйлар ўтди: мустабид тузум сиёсатининг жирканчлиги ва қолаверса, ўзлигимизни англамай, лоқайд ё нодонлик қилиб, инсоният маънавиятига, унинг равнақига хизмат қилган буюк аждодларимизнинг охират маконини чаманзорга айлантириш ўрнига йўқотиб, топтаб ташлашгача бориб етувдик.

Дунё фиқҳ илмининг имоми, аллома, буюк инсон Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудининг Ҳижрий сана бўйича муборак 910 йиллиги нишонланаётган шу йилда ул зотнинг муқаддас охират макони, зиёратгоҳи хусусида маълум бир тўхтамга келинади, деб ўйлаймиз. Буни адолатли ва изчил ҳал этмоқ инсоний бурчимиздир.

■ **Раҳим ҚОДИР,**
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси

ҚАРЗ БЕРИШМОҚЧИ

Италия, Франция ва Германия ҳукуматлари Жанубий Кореяга жами 14 миллиард АҚШ доллари миқдорида қарз беришга ваъда қилди. Жанубий Корея раҳбари Ким Дэ Чжуннинг Ғарбий Европадаги ушбу мамлакатларга сафари чоғида шунга оид масалалар муҳокама қилинди.

Корея Республикаси Президентининг иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси Ли Ги Хонинг маълум қилишича, Франция 10,8 миллиард, Ғермания 2,3 миллиард, Италия эса 1 миллиард доллар миқдорида қарз беради.

ҲАРБИЙ ТАДБИРЛАР

Украина мудофаа вазирлиги матбуот хизматининг маълумотига кўра, жорий йилда америкалик ҳамкорлар билан 120 дан зиёд турли ҳарбий тадбирлар ўтказиш режалаштирилган.

Айни пайтда Киевда муҳокама қилинаётган режага мувофиқ, икки давлат мудофаа вазирликлари ҳамкорликда икки томонлама ва кўп томонлама ҳарбий машғулотлар ўтказади. Шунингдек, томонлар ўзаро ҳарбий делегациялар алмашади ва ўқув машғулотлари ташкил этади.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Европа Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Энди Ҳиндистон иттифоқ мамлакатларига экспорт қилаётган товарлари ҳажмини кенгайтириши мумкин. Айниқса, тўқимачилик саноати маҳсулотларининг экспорти илгари анча чеклаб қўйилган эди.

«Пресс-Траст оф Индиа» ахборот агентлигининг маълумотига кўра, битим кучга кириши билан Ҳиндистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатларига киритилаётган тўқимачилик саноати маҳсулотлари ҳажми 3500 тоннага етади.



Украина: Киевдаги ёдгорликлардан бири.

САЙЛОВЛАРДА ЯНГИ БОСҚИЧ

АҚШ президентлигига бўлиб ўтган дастлабки сайловларда Демократик ва Республикачилар партияларидан иштирок этадиган номзодлар маълум бўлди. Сайлов натижаларига кўра, ноябрь ойида бўлиб ўтадиган президентлик сайловларида Демократик ва Республикачилар партиялари номзодлиги ҳуқуқини вице-президент Альберт Гор ва Техас губернатори кичик Жорж Буш қўлга киритдилар. АҚШнинг 16 штатида бўлиб ўтган сайловларда Альберт Гор унинг демократик партиясидаги рақиби Бил Бредли устидан Нью-Йорк, Калифорния, Жоржеа, Вермонт, Гайо, Коннектикут, Мериленд, Мен, Роде Айсланд, Шимолий Дакота, Миссури штатларида ғалаба қозониб, демократик партия дастлабки сайловлари тақдирини ҳал этди.

Ўз навбатида республикачи кичик Жорж Буш кичкина рақиби Жон Маккейнни Калифорния, Нью-Йорк, Георгия, Гайо, Мэрилент, Мен, Миннесота, Миссури штатларида мағлуб этди.

Айни пайтда Гор ва Буш президентлик учун ҳақиқий сайловларга тайёргарликларни бошлашар экан, демократия Бил Бредли сайловларда мағлуб бўлганлигини тан олди, аммо республикачи Жон Маккейн таслим бўлишга шошилмаяпти чоғи.

Маккейн ўз тарафдорларига президентлик сайловларида иштирок этиш хусусида ўйлаб кўришини, аммо сиёсат оламида манфаат ва пулларнинг аралашувига чек қўйиш борасида курашини давом эттиражагини таъкидлади.

Маълумки, Маккейн ўз ислоҳотчилик ғоялари билан сайловчилар қалбидан жой олди. Унинг компаниянинг чекланган маблағлари билан катта жамғармаларга эга бўлган кичик Жорж Бушга қарши чиқиши АҚШ сиёсий ҳаётида катта шов-шувга сабаб бўлди. Мана шу далиллар Маккейннинг ҳақиқий президентлик учун мустақил номзод сифатида сайловларда иштирок этишига туртки бўлиши мумкин. Бу эса АҚШ президентлик сайловларини янада кескин, янада рақобатли ва қизиқарли қилган бўлур эди.

■ **Акмалжон ҚЎЧҚОРОВ,**
АҚШ.
«Туркистон-пресс»

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК: «ОБУНАЛОТО»

«ОБУНАЛОТО» ЎЙИНИ ТАРТИБИ

Муштарий газетада чоп этилган чиптани қайчи билан қирқиб олади ва ундаги 12 ой рақамлари тагидаги 12 бўш катакка биттадан (бир хонали) рақам ёзиб чиқади. Сўнгра яшаш, ишлаш ёки ўқиш жойини, исми ва фамилиясини аниқ-равшан ёзиб, яқинидаги почта алоқа бўлимига ёки жамоатчи матбуот тарқатувчиларга топширади. Почта алоқа бўлимидаги масъул шахс тўлдирилган чиптани кўздан кечириб, тўғрилигига ишонч ҳосил қилгач, муҳр босиб имзо чекади. Бунинг учун муштарийдан ҳар бир чиптага 100 сўм ҳақ олинади. Бу «Обуналото» билетининг баҳоси ҳисобланади. Чиптанинг мижозга қайтарилган қисми ютуқлар тиражида қатнашувчи расмий ҳужжат бўлиб қолади.

Ютуқлар тиражи 2000 йил 1 июнда ўтказилади. Қуръа ташлаш йўли билан аниқланган олти хонали рақам газетада эълон қилинади. Чиптадаги ўн икки хонали рақамнинг охирги олтитаси, бештаси, тўрттаси, газетадаги рақамга мос келса — ЮТУҚ ҳисобланади. Масалан, муштарий ўз чиптасига 664943208754 рақамини ёзган, дейлик. Газетада ютуқ рақами 208754 деб эълон қилинди. Бунда чиптадаги ўн икки рақамнинг кейинги олти рақами ютуқ рақамига мос тушяпти. Шу чипта соҳиби энг катта ютуқга — «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталаридан бирига 6 ой бепул обуна бўлиш ҳуқуқини қўлга киритади. Беш рақамни (08754) топганлар — 3 ой, тўрт (8754) рақамни топганлар — бир ой ушбу газеталардан бирини бепул олиб турадилар. Охирги уч рақами (754) тўғри келганларга эса тираж комиссияси имкониятга қараб махсус ютуқлар тайинлаши мумкин. Шу боисдан уларни ташлаб юборишга шошилманг.



ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета

Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

(Фамилияси. исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

п.в Жойи

Нашрга етказиш варақаси

Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

«Обуналото» ўйинларимизда иштирок этинг, унда сиз арзимас пул эвазига бебаҳо маънавий бойликни қўлга киритишингиз мумкин. Қимматли вақтингизни сарфлаб газета қидириб юрмайсиз, балки газетанинг ўзи сизни қидириб хонадонингизга кириб боради. Бунақаси ҳеч қачон бўлмаган! Лекин бу ҳам ҳали ҳаммаси эмас. Олти рақамни топган ютуқ соҳиблари яна икки мукофот билан сийланадилар. Биринчиси: ютуқ соҳибининг расми ва ўзи ҳақидаги мақола газетада чоп этилади.

Иккинчиси: ютуқ соҳибига реклама учун газета саҳифасидан 100.000 сўмлик жой ажратилади.

БУНДАЙ КЎЗ КЎРИБ, ҚУЛОҚ ЭШИТМАГАН ЮТУҚЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ, «ОБУНАЛОТО» ЎЙИНЛАРИДА ҚАТНАШИНГ!

UZBEKISTAN airways

МУҲТАРАМ ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ!

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ 2000 ЙИЛНИНГ АПРЕЛИДАН БОШЛАБ ЁЗГИ ЖАДВАЛ БЎЙИЧА ИШЛАЙ БОШЛАЙДИ. ЭЪТИБОРИНГИЗНИ ЯНГИ ҚАТНОВЛАРГА ҚАРАТИНГ:

ТОШКЕНТ — АМРИТСАР — ТОШКЕНТ

Амритсар — Ҳиндистон Республикаси Панжоб штатининг пойтахти бўлиб, Покистон билан чегарадош, ибодатхоналар ва масжидларга бой гўзал шаҳардир. Қатнов ҳар пайшанба ва якшанба кунларида замонавий «Б-757» ҳаво кемасида амалга оширилади.

ТОШКЕНТ — БИРМИНГЕМ — ТОШКЕНТ

Бирмингем — Англиянинг энг йирик саноат марказидир. У Лондон яқинида жойлашган. Парвозлар ҳар пайшанба ва жума кунлари бажарилади.

Ушбу қатновлар вақт бўйича қулай мувофиқлашиб, Европадан Ҳиндистонга ва Жануби-Шарқий Осиё минтақасининг бошқа шаҳарларига учаётган йўловчилар учун энг қисқа, жуда соз йўналиш ҳисобланади.

Сизларни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси қатновларидан фойдаланишга таклиф этамиз!

Қўшимча маълумотларни Ҳаво қатновлари Бош агентлигининг кассаларидан олишингиз мумкин (Тошкент, У. Носир кўчаси, 9-уй, тел: 56-38-37).

ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ-КЎМАК ЖАМҒАРМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ВАКОЛАТХОНАСИ

Public Relation Officer — *Оммавий Ахборот Воситалари ва жамоат билан алоқаларни олиб борувчи мутахассис лавозимига танлов эълон қилади.*

Номзодлар инглиз, ўзбек, рус тилларини мукаммал билишлари, журналистика соҳасида тажрибага эга бўлишлари ва компьютерда ишлай олишлари лозим.

Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳар, Зарбоғ кўчаси, 31-уй. Тел.: 120-68-54, 152-68-54, 56-54-53, 185-84-83. ОЖИ-КЖ Ўзбекистон ваколатхонаси.

«ТАШДОЗ»

ОТКРЫТОЕ АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО

проводит общее собрание акционеров 14 апреля 2000 года в 15⁰⁰ по адресу: ул. А. Каххара 47, в помещении клуба. Регистрация акционеров в 14⁰⁰ час.

ПОВЕСТКА ДНЯ:

1. Итоги хозяйственно-финансовой деятельности за 1999 год, утверждение годового отчета.
2. Заключение Ревизионной комиссии по итогам работы за 1999 год.
3. Разное.

БАЛАНС
ОАО «ТашДОЗ» на 01.01.2000 г.

1. Уставной фонд	— 8396 тыс. сум
2. Резервный и добавленный капитал	— 31037 тыс. сум
3. Нераспределенная прибыль	— 12181 тыс. сум
4. Кредиторская задолженность	— 26966 тыс. сум
5. Прочие пассивы	— 1994 тыс. сум
ИТОГО:	— 80574 тыс. сум
1. Долгосрочные активы	— 8367 тыс. сум
2. Материальные затраты	— 31596 тыс. сум
3. Денежные средства	— 2082 тыс. сум
4. Дебиторская задолженность	— 38529 тыс. сум
ИТОГО:	— 80574 тыс. сум

Заключение аудитора ООО «ЦИАР-ФИНАНС» от 21.02.2000 г.
Лицензия № 192 Мин. Фин. РУз от 30.09.96 г.

НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ ОАО «ТашДОЗ»

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги «ORTOPEDIYA XIZMAT» масъулияти чекланган жамият
ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб, икки ой муддат ичида қабул қилинади.
Телефон: 35-31-09.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «Содиқ ва ўғиллари» хусусий фирмаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб, икки ой муддат ичида қабул қилинади.
Телефон: 42-10-19.

«Ўзэкспомарказ» РСКМ жамоаси чилангар-созловчи Ирисбеков Баҳодирга отаси **ИРИСБЕКОВ ОТАЖОН** отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Алишер РЎЗИЕВ
Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи
Бахтиёр Жуманов

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 182

Топшириш вақти -- 21.00.
Топширилди -- 21.00.
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА